Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 20 сентябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 73 (6969)

Da'vat

Бекорчи умр — бевақт қариш деган сўз.

И.Гёте.

Ibrat

Яқинда Жондор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 21 нафар фарзандлари суннат тўйлари ўтказилди. Болалар жамғармаси вилоят бўлими томонидан ҳар бир болага 500 сўмдан пул қўйилган мақсадли омонат дафтарчалари тақдим этилди.

O'zbekiston — Italiya

САМАРАЛИ ТАШРИФ

17 сентябрь куни Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. «Дўрмон» қароргоҳида бўлиб ўтган расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги даражаси ва истиқболи, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи ҳавзасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича фикрлашиб олинди.

Шундан сўнг, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда бош мавзу — Ўзбекистон — Италия муносабатлари асосий ўринни эгаллади. Унда, 1996 йилда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 142 миллион АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилиб, келгусида бу кўрсаткични янада ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ўрин берилди. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов енгил саноат, ёғочни қайта ишлаш, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, банк-молия тизими ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун қулай имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтди.

«Биз Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратамиз, — деди Италия Вазирлар Кенгаши Раиси икки давлат ҳамкорлигининг мавжуд имкониятлари ҳақида сўзлар экан. — Чунки, биз Ўзбекистонни ушбу минтақадаги етакчи давлат деб ҳисоблаймиз».

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Италия Республикаси ҳукумати ўртасида сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Проди имзоладилар.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон Бош вазири ва Италия Вазирлар Кенгаши Раисининг икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув сўнгида Тошкент вилоят ҳокимлиги билан Италиянинг «Фата» компаниялари гуруҳи ўртасида Тошкент вилоятида агросанаот мажмуини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш тўғрисида, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги билан Италиянинг «Стет Телеком Интернейшнл» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг «Коммерчиале Италиано» банки ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Романо Проди ўз сафари давомида Ўзбекистон Миллий боғига ва Темурийлар тарихи давлат музейига ҳам ташриф буюрди.

Романо Продининг юртимизга қилган ушбу ташрифи икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Қадим бу тупроқда илмли кишилар доим эъзозланган. Ўқитувчи оиласи элюртта намуна этиб кўрсатилган. Зийраклиги туфайли Тожинисо Мирзаметова бу эътиборни ёшлигидаёқ пайқаган. Мактабда таълим олиш йиллари ўқитувчиликка ҳурмат ёш Тожинисо қалбида жонлана бошлади.

Умр — оқар сув деганларидек, унинг Фарғона шаҳридаги 34-мактабда иш бошлаганига ҳам 45 йил тўлибди. Қирқ беш йил. Эҳ-ҳе, айтишга осон. Бутун умрни ўғил-қизлар таълим-тарбиясига бағишлашнинг ўзи бўлмайди. Албатта, Т. Мирзаметовага изланувчанлик, болапарварлик, қатъиятлилик, садоқатлилик фазилатлари ҳамиша ёр бўлди. Шу билан бирга ёшларга, айниқса, математика фанининг бетакрор сирларига қаттиқ боғланиб қолди.

Ўттан йиллар ичида қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлади. Ҳозир шогирдлари ҳар ишда фаоллик кўрсатишяпти. Муаллима шогирдларини кўпинча очиқ дарслар олиб боришга чорлайди. Ўзи ҳам ўқувчилар ҳамда барча қизиқувчилар учун очиқ дарслар ўтказади. Фидойи ўқитувчининг «Амир Темирнинг тарихда, маданиятда ва математика фанида тутган ўрни» мавзуидаги боғланишли машғулотлари, айниқса, эътиборга сазовор. Шу боис ушбу машғулотларни ҳар йили ўтказиб бормоқда.

СУРАТДА: олий тоифали математика ўқитувчиси , Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Т. Мирзаметова невараси Зебунисони янги ўқув йилидаги илк муваффақияти билан қутлаяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриёти томонидан инглиз тилида кўп нусхада нашр этилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда юрак жарроҳлиги соҳасининг ривожланишига асос солган атоқли олим Восит Воҳидов тавалудининг 80 йиллиги арафасида Тошкентда бўлиб ўтаётган жарроҳларнинг анъанавий «Воҳидовхонлик» илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига табрик мактуби йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эроннинг Афғонистон масалалари бўйича махсус вакили Алоуддин Бўружердийни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

• Нью-Йоркда бўлиб ўтаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида жаҳоннинг 24 давлатлари раҳбарлари, 18 Бош вазирлар, 80 дан ортиқ Ташқи ишлар вазирлари иштирок этмоқдалар.

• Европа иттифоқининг минтақалар комитети Европа комиссияси ва Халқаро олимпия қўмитаси иштирокида «Спорт минтақалар ва шаҳарларнинг ўзига хослигини намойиш этади» мавзуида умумевропа конференциясини ўтказмоқда.

Taraddud

БАРЧА БАЙРАМ ҚИЛАДИ

Шу купларда республикамизнинг барча жойларида ўқитувчилар, мураббийлар ўзгача қувонч билан ўз касб байрамларини — 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносиб кутиб олиш тараддудида. Ўша куни нафақат педагоглар, балки мамлакатимиз аҳли бу шодиёнанинг иштирокчилари бўлишади. Байрамни байрамдай ўтказиш, устозларнинг машаққатли меҳнатларига яраша эҳтиром кўрсатиш эса, албатта бу ишга масъул бўлган кишиларга, маҳаллий ҳокимликлар, раҳбарларга боғлиқ. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Мусурмоновдан биз телефон орқали байрам тадбирлари ҳақида сўрадик:

— Вилоятимизда ушбу айёмни кўнгилдагидек, сермазмун ўтказиш бўйича режа тузилган. Улар асосан ўқитувчилар ва мураббийларга жамоатчилик эътиборини қаратишга, улар меҳнати мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган. Шу муносабат билан кўпгина жойларда учрашувлар, турли беллашувлар ташкил этмоқчимиз.

Энг қувонарлиси шуки, бу байрам муносабати билан туман раҳбарлари таълимга ва унинг жонкуярларига алоҳида эътибор билан қарай бошлади. Китоб тумани ҳокимлиги йил давомида туман миқёсида ўтказиладиган танловлар ғолибларига салмоқли ҳокимлик совринини эълон қилди. «Йил ўқитувчиси» танлови ғолибига — энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида, «Йил тарбиячиси» танлови ғолибига — энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида, «Йил тўгараги» танлови ғолибига — энг кам иш ҳақининг 7 баравари миқдорида пул мукофоти бериладиган бўлди.

Шунингдек, Усмон Юсупов тумани Жейнов жамоа хўжалиги ўз ҳудудидаги мактаб ўқитувчиларига 15 тонна буғдойни имтиёзли баҳода сотишга ва уларга ем-хашак ажратишда ёрдам берди. Бошқа туманларда ҳам бу каби саховатли ихтиёр этган ҳокимликлар, ташкилотлар, раҳбарлар кўпчиликни ташкил этади. Ўқитувчи, мураббийларни қадрлаш, улар меҳнатини муносиб тақдирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу байрам барчанинг кўнглига бирдек қувонч ва шодонлик олиб киради.

МИЛЛАТНИ МАЪРИФАТ КЎТАРАДИ 2-бет.

РУМИНИЯ МАОРИФИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР 3-бет.

ХЕМИНГУЭЙНИНГ НАРХИ ҚАНЧА? 4-бет.

Zaruriyat

ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Жўра ЙЎЛДОШЕВ, республика халқ таълими вазири

Ватанимиз равнақи, келажаги тайёрланадиган мутахассис кадрларнинг билим ва малакасига боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур», «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз илм-фан салоҳиятининг беқиёс ривожига, жаҳонга кенг қамров билан чиқишига омил бўлади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида ҳаётимизга самарали таъсир этувчи муҳим масалалар қаторида, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш вазифалари ҳам кўриб чиқилгани бежиз эмас.

Президент Ислом Каримов сессиядаги нутқида бу масалага жуда катта аҳамият берди. Йўлбошчимиз таълим-тарбия соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил этар экан, тизимда янгиликка интилиш бўлмаса, тараққиёт ҳам бўлмаслигини таъкидлади. Бугунги замон талаби, эртанги долзарб вазифалар халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этаётганини уқтирди. Маълумки, соҳанинг асосий бўғини узлуксиз таълимдан иборат. Давлатимиз раҳбари узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши, юксак маънавият заминида қурилишига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлар экан, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш нақадар муҳимлигига эътиборни қаратди.

Хўш, таълимда давлат стандарти нима?

Таълимни стандартлаштириш инсониятнинг ижтимоий онгида рўй берган туб узгаришлар туфайли келиб чиққан заруриятдир. Чунки ахборотлар алмашинуви максимал чегарага етган давримизда дунёнинг бир бурчагида яшаётган киши иккинчи қутбда содир бўлаётган воқеаларни билибгина қолмай, уларнинг не боис айнан ўша тарзда рўй берганини англаши ва ҳис қилиши заруридир. Бир сайёрада бир вақтда яшаб туриб, бир-бирини тушунмай қолиш баъзан инсонлар ўртасидаги муносабатларни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий аҳволи ва тараққиёт даражаси турлича бўлган давлатларда ҳаёт кечираётган барча кишилар фикрлашининг дастлабки даражасини иложи борича бир хил ҳолатга келтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ҳолат таълим стандартлари деб аталмиш тушунчани юзага келтирди.

Стандарт — таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни узлаштириш эквиваленти. Яъни яратилган таълим мазмунини узлаштириш даражасидир. Стандартни ишлашда — ўқувчини ҳаддан ташқари зўриқтириб юбормасликка риоя қилиш, яъни у ўқувчи ёшига мос, бажара оладиган даражада бўлиши керак. Бунда, албатта, таълим олувчининг қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Таълим стандартларини узлаштиришда шахсга муҳим аҳамият берилиши, унга якка тартибда ёндашилиши мақсадга мувофиқдир. Стандартларни ўқув жараёнига татбиқ этишда босқичма-босқич синов-тажриба ишларини ўтказиб, шу асосда уни ўқув жараёнига киритиб борилади.

Тарбия муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртма қўйган давлат уша муассасалар томонидан тайёрланадиган мутахассис эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини кўрсатиб бериши зарурлиги табиийдир. Тарбияланувчи ёки таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ёхуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдори илмий асосларда белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат таълимнинг давлат стандартлари ҳисобланади. Стандартларда белгиланган натижаларга эришилмаса ё ўша кўрсаткичларни эгаллай олмаган бола, ёхуд ёшларда муайян миқдордаги билим, кўрикма, малака ва маънавий сифатларни шакллантира олмаган педагогикани мукаммал деб бўлмайди.

Кўринадики, таълимнинг давлат стандарт (ТДС)лари — назорат воситаси, айни вақтда, тарбия муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш

(Давоми 2-бетда).

Fikr, mulohaza, taklif

МЕНЕЖЕРЛАРНИ КИМ ТАЙЁРЛАЙДИ?

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йилнинг биринчи ярмида Узбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида (29 июль) эътиборимизни «Олий ўқув юртларида... кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик бўйича мутахассис тайёрланадиган факультетлар очиш пайти...» етганлигига қаратди ва бу факультетларда менежерлар, маъмурлар, билимдон бошқарувчилар муаммоси ҳал этилиши лозимлигини бизнинг зиммамизга юклади. Дарҳақиқат катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Узбекистонни, унинг минглаб, ўн минглаб корхоналарини, триллионларга тенг ишлаб чиқариш кучларини ҳаракатга келтирувчи, самарали томонга йўналтирувчи, жамоаларни бошқара оладиган менежерлар сув билан ҳаводек зарур.

Шу боис бизнинг таклифимиз бошқариш масалалари билан бевосита ва билвосита машғул бўлган республикамиздаги олий ва ўрта махсус билим юртларида «Бошқариш маҳорати» факультетларини очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Бошқариш маҳорати» кўлиёти очилиши заруратининг долзарблигини қуйидаги ҳолатлар тақозо этади. Энг аввало, ёш Узбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида тарихан янги даврни — **ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш** даврини бошидан кечирмоқда. Жамиятни қайта қуриш, мулкчиликнинг кўп укладли шаклларини, янги корхона ва тармоқларни барпо қилиш, маданийлашган бозор ва бозор муносабатларини шакллантириш, микро ва макроиқтисодиётда туб ўзгаришларга эришиш учун мустаҳкам замин яратиш ва шу каби жараёнларни самарали бошқариш, уларни бошидан тўғри йўлга йўналтириш — барча бугун раҳбарларидан катта масъулият ҳамда етук билим соҳиби бўлишларини талаб қилади.

Иккинчидан 23 миллиондан ортиқ аҳолисига эга бўлган, халқ эҳтиёжи ва талабларини қондиришга хизмат қилувчи, ишлаб чиқаришнинг деярли барча тармоқлари шаклланган, юзлаб-минглаб корхона, хизмат кўрсатиш муассасаларида 8 миллиондан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган, етарли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат учун унга мутаносиб равишда интеллектуал потенциал етиш-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАРИ

Шу йил 18 сентябрь куни тушдан сўнг Хайратон шаҳри (Афғонистон Ислом давлати) атрофида Афғонистондаги бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар содир бўлди.

У ерда бўлиб ўтган уруш ҳаракатлари чоғида 10 та реактив снаряд Сурхондарё вилоятининг Термиз тумани ҳудудига тушиб портлади, оқибатда Ўзбекистон Республикасининг уч нафар фуқароси жароҳатланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги мазкур ҳодисанинг барча тафсилотларини аниқлаш ва бундай ҳоллар такрорланишига йўл қўймаслиқ учун зарур чораларни кўрмоқда.

ММММ ХАБАРЛАРИ

ЭНГ ЯХШИСИ — «ЗИЛОЛА»

Қизилтепа туманида халқ таълимига ҳомийлик қилаётган талайгина корхона ва ташкилотлар бор. Зарафшон воҳасида донғи кетган Қизилтепа ғишт заводи, паррандачилик фабрикаси ва «Зилола» маиший хизмат уйи шулар жумласидандир. Бу завод ва фабрикалар туманда халқ таълимининг янада ривож топишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Буни инобатга олган мамлакатимиз Халқ таълими вазирлиги яқинда «Зилола» маиший хизмат уйига «Халқ таълими ҳомийси» нишонини берди.

Норали ОЧИЛОВ.

«ЮЛДУЗ»НИНГ ЧЎҒИ БАЛАНД

Яккабоғ туманидаги Ж.Михлиев номидаги ўрта мактаб жамоаси 3 гектар майдонга экишган «Юлдуз» навли пахта ҳосилидан биринчи теримдаёқ 8 тонна йиғиб олиб, йиллик режани туманда биринчилардан бўлиб бажардилар. Хирмонга ўқитувчилардан Х.Янгибоева, О.Бобоқулова, К.Эргашевалар териб топширган пахтанинг улуши юқори бўлди. Мактаб директори Н.Омоновнинг гапларига қараганда, ғайрати баланд ижарачилар ҳосилдорликни 40 центнерга етказишмоқчи.

Х.ТЎРАЕВ.

МАКТАБДА КАФЕДРА

Янги ўқув йилидан бошлаб Урганч шаҳрининг ўқувчиси 1300 нафардан кам бўлмаган мактабларида метод бирлашмалари ўрнига кафедралар ташкил қилинди. Бу янгиликка Урганч шаҳар халқ таълими бўлими мудири М.Обдалниёзов шундай шарҳ берди:

— Албатта, янги шакл янгича мазмунни ҳам ўз ичига олмоғи лозим. Таълим тизимида ислоҳотлар олиб борилаётган шу кунларда бизнинг янгича иш услубларимиз ҳам ҳаёт тақозоси эканлиги шак-шубҳасиздир.

Ғ.ЁҚУБОВ.

ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

(Боши 1-бетда).

ўлчови ҳамдир. Давлат стандартларининг кўрсаткичлари амалда мавжуд бўлган таълим мазмунидан эмас, балки шакллантирилаётган шахс ўзига сингдириши лозим бўлган сифатларнинг жаҳон бўйича зарур деб ҳисобланган миқдоридан келиб чиқади.

Таълим давлат стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин: биринчидан, ТДС тарбияланувчи ёки ўқувчи муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал миқдорини белгилайди, иккинчидан, дастур мазмунининг муайян ёшдаги тарбияланувчи ёки таълим олувчига тақдим этилиши мумкин бўлган максимал даражасини кўрсатади. Яъни маълум босқичдаги ўқувчи ёки тарбияланувчига унинг жисмоний ва руҳий имкониятларига оғирлик қиладиган миқдордаги билим, кўникма ва малакалар тиқиштирилишига йўл қўймайди.

Стандартлар жорий қилинса, давлат буюртмачи сифатида тарбия муассасалари олдига вазифа қўйди. Тарбия муассасалари эса ана шу вазифаларни яхшироқ уддалаш учун тарбияланувчиларга қайси босқичда қанча билим, кўникма, малака ёки маънавий сифатлар сингдириш лозимлигини аниқ белгилаб олган ҳолда иш кўради. Шу тариқа таълим-тарбия жараёни таваккалчиликдан, кўр-кўрона фаолият кўрсатишдан қутулади.

Таълим-тарбия жараёнига ТДСни жорий этиш бизга ривожланган Ғарб мамлакатларидан келган бўлса-да, шуни айтиш керакки, ҳали дунёдаги бирорта давлатда таълимни стандартлаштириш кенг қўламда амалга оширилаётгани йўқ. Чунончи, мазкур юмушга биринчи бўлиб қўл урган Францияда бу иш ҳанузгача синов даражасида, АҚШда эса ТДС яратишга эндигина киришилмоқда. Япония ва Германия таълим муассасаларида мазкур муаммони ҳал этиш режалаштириш босқичида. Узбекистонда таълим стандартлари масаласига давлат миқёсида ёндошиш ва буни нафақат илмий йўсинда ҳал этиш, балки таълим-тарбия амалиётига жорий қилиш мақсадида бир қатор предметлар бўйича давлат стандартлари лойиҳалари ишланган ва улар синов арафасида турибди.

Шуни айтиш керакки, таълим давлат стандартлари атамаси йигирманчи асрнинг етмишинчи йилларида туғилган ва эндигина амалга оширила бошлаган бўлса-да, аслида бугун пайдо бўлган янгилик эмас. Негаки, таълим-тарбия тушунчаси олдига муайян талаблар қўйила бошлаган замонлардан буён шундай меъёрлар мавжуд. Фақат қадимда улар стандарт деб аталмаган. Лекин моҳият эътибори билан ҳар қандай жамият тарбия муассасалари давлатта қарашли бўлмаган замонларда ҳам ўз талаблари тизимига эга бўлган. Чунки таълим-тарбия муассасасининг битирувчиси муайян жамиятда яшаши, ишлаши лозим бўлган. Бинобарин, у ўша жамият талаблари даражасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши шарт ҳисобланган.

Мамлакатимизнинг педагогика илми ҳам, амалиёти ҳам янгиланиб бормоқда. Маълумки, ҳар қандай миллатнинг янгиланиши унинг ёшларидан бошланади. Ёшлар эса бугунги кунда, асосан таълим-тарбия муассасаларида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам мустақил давлатимиз ва унинг раҳбарияти ана шу муассасалар фаолияти имкон қадар замон талаблари даражасида бўлишига эътиборни қаратмоқда. ТДС баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилган педагогикамиз фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш воситасидир. Шу уринда ҳозир яратилаётган барча дидактик воситаларнинг ана шу стандартларга мувофиқ бўлишига эътибор қаратилмоқда. Мактабларимизда фойдаланилаётган «Узбек адабиёти», «Узбекистон тарихи», «География», «Она тили» дарсликлари ва уларнинг дастурлари мутахассислар тузган ТДС талаблари асосида яратилганлигини таъкидлаш лозим.

Таълим воситалари ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний, генетик ва минтақавий ўзига хосликлари тўлиқ ҳисобга олинган педагогикамиз ўнлаб йиллар мобайнида миллий илдизлардан жуда йироқда эди. Шуро замонининг ўша эски қолипларидан ҳамон тўла қутула олганимизча йўқ. Шунинг учун ҳам вазирлик дастур ва дарсликлар янгича фикрлай оладиган, миллий дидактикамиз хусусиятларини биладиган кишилар томонидан яратилишига алоҳида эътибор бермоқда. Дарслик ёзишга талаб меъёрлари ишланди. Ҳар қандай дастур ва дарслик бевосита вазирлик қошида ташкил этилган махсус эксперт ҳайъати томонидан кўриб чиқилгачгина нашрга тавсия этилади.

Вазирлигимизда ўқув-методик мажмуалар яратишга алоҳида аҳамият берилаётир. Яъни, муайян предмет бўйича таълимнинг концепцияси, стандарти, дастури, дарслиги, методик қўлланмаси тўлиқ яратилиши лозим. Айни кунларда 1- 2-синфлардаги барча предметлар ва 7-синф «Ўзбек адабиёти»дан худди шундай мажмуага эгамиз. Бу тажриба барча ўқув фанлари бўйича амалга ошириладиган кунлар яқин.

Ҳозирги даврда яратилаётган дарсликларнинг асосий камчилиги миллатимиз болаларининг психологик ўзига хосликларини, фикрлаш тарзини тўлиқ ҳисобга олишга эриша олинмаётганида, деб биламиз. Сўнгра, бизнинг мутахассисларимиз дидактик воситалар орқали ўқувчиларга ҳамма гапни айтиб беришга одатланиб қолишган. Ҳолбуки, ўқувчини ўқитиш керак эмас, уни ўзи ўқийдиган ҳолатга олиб келиш лозим. Токи боланинг ўзи изланмас экан, муайян масалани ҳал қилишнинг йўлини қидирмас экан, таълимда ютуққа эришиш мумкин эмас. Демак, яратилаётган дидактик воситалар эвристик характерга эга булиши, изланишга, синаб кўришга даъват қиладиган тарзда яратилиши лозим.

(ЎзА).

МЕНЕЖЕРЛАРНИ КИМ ТАЙЁРЛАЙДИ?

(Боши 1-бетда).

маётган кўринади. Зеро, инсон омили, инсон салоҳияти, унинг чексиз ички имкониятларини инобатга олувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи, ишга солувчи менежер-раҳбар ходимларни тайёрлайдиган бирорта ҳам олий ёки ўрта махсус билим даргоҳининг республикамизда ҳозирча йўқлигидир. Ваҳоланки, эндигина оёққа тураётган Узбекистон иқтисодиёти, айниқса унинг кичик, ўрта ва хусусий бизнес билан шуғулланувчи бўғинлари минглаб, юз минглаб билимдон, иқтидорли, ишнинг кўзини биладиган менежерларга, оммани шарқона ўзига хос ва мос йўлдан олиб бора оладиган бошқарувчиларга ўта муҳтож.

Шунингдек, олий маълумотли, маънавий баркамол, етук иқтисодий тарбия ва таълимга эга бўлган раҳбар кадрларни тайёрлаш нисбатан кам харж бўлиб, айни вақтда юқори самара берадиган тадбирлар қаторига киради.

Шулар билан бирга, амалда мавжуд бўлган яна бир реал воқеликни инобатга олиш зарур. У ҳам бўлса Узбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёти, буткул бошқарув тизими қарийб 130 йиллик чоризм ҳамда шуролар даврининг мустамлакачилик ва ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик сиёсати қурбони бўлиб келди. Унинг асоратларини йўқотиш осонликча кечаётгани йўқ. Тан олиб айтиш лозимки, демократик тамойилларга асосланган, инсон манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўя оладиган, кенг тафаккурли, янги шароитда янгича мушоҳада юрита оладиган, оғир вазиятларда адолатли қарор қабул қиладиган, ўрни келса масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда таваккал қилувчи раҳбар ходимлар нисбатан озчиликни ташкил қилади. Демак, уларни қўшимча ўқитиш, вақтиваҳти билан қайта-қайта ўқитиш зарурати мавжуд. Бу ўз навбатида ихтисослаштирилган малакани ошириш марказларини ва курсларини ҳам ташкил қилишни кун тартибига қўяди.

«Бошқариш маҳорати» кўлиётини биринчи навбатда Тошкент Молия институти қошида очилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки бу унинг қошида «Бошқариш ва ҳуқуқ» кафедраси мавжуд бўлиб, «Менежмент ва маркетинг асослари» фан сифатида бир неча йилдан бери ўқитилиб келинади. Айни вақтда ушбу университетда иқтисодиётимиз учун ўта зарур бўлган молия, банк, солиқ ва солиққа тортиш, аудиторлик, пул ва кредит муносабатлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Бўлардан ташқари бошқариш сир-асрорларининг у ёки бу қирраларини ёритиш билан шуғулланиб келаётган кафедралар ҳам мавжуд ва бу кафедраларда кўп йиллик тажрибага эга бўлган бошқарувчилик маҳорати билан шуғулланиб келган ўқитувчилар фаолият кўрсатяпти. Яъни Тошкент Молия институтида бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда менежерлар тайёрлаш учун нисбатан яхши шарт-шароит мавжуд.

Ушбу очилиши таклиф этилаётган куллиётларда: молия, банк, бозор тизими, микро ва макроиқтисодиёт, халқаро иқтисодий алоқалар, тармоқ иқтисодини бошқарувчи (менежер) мутахассисларни тайёрлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Заҳириддин САЛОҲИДДИНОВ, Тошкент Молия институти доценти, иқтисод фанлари номзоди.



Истиқлол боис мамлакатимизда ижобий ишлар қатори бошқа миллат вакиллари миллий марказлари ҳам бирмунча фаоллашди. Ҳозир улар илм масканларида бўлишиб, ўз тилларини ўқувчиларга батафсил ўргатмоқдалар. Жумладан, 72-мактабда ташкил этилган поляк тили мактабида Тошкент шаҳридан 70 нафар ўқувчи шуғулланишмоқда.

Суратларда: 1. Польшалик ўқитувчи Марчин Врублевский пойтахтимиздаги 72-мактабда поляк тилидан машғулот олиб бораяпти.

2. Поляк миллий маркази раҳбари Елена Яковлева поляк мактаби ўқувчиларини Польшада чиқадиган газеталар билан таништирмоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.



EHM va amaliy mashg'ulotlar

ҲАВАС, ИШТИЁҚ УЙҒОТИБ...

Ҳозирги кунда ҳисоблаш техникаси инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Кундалик ахборот оқимининг жуда тез орта бориши, оддий ва мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, кўпдан-кўп иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, микродунё сирларини билиш ва космик фазони тадқиқ этиш, касалликларни аниқлашни автоматлаштириш, фаннинг турли соҳаларида мураккаб тажрибалар ўтказиш сингари масалаларнинг ҳаммаси ҳисоблаш техникасини кенг татбиқ қилишни ва информатика асосларини билишни талаб қилади. Бу ишни янада жадаллаштириш мақсадида ўрта мактаб дастурига «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани киритилди.

Мазкур фан ўқитувчидан ҳам, ўқувчидан ҳам ўрганилаётган фанларнинг ҳаммасидан янада кенг билимга эга бўлиши, барча фанларнинг ўзаро алоқадорлигини тушунишни тақозо қилади. Фанлар алоқадорлигини инобатга олиб биз қуйида мактабда физика дарсларида ЭҲМлардан фойдаланиш ва унинг самараси ҳақида батафсил тўхталамиз.

ЭҲМ — ўқитувчи. Бунда фан ўқитувчиси томонидан ўтиладиган дарс мавзуи олдиндан конспектлаштирилиб, машинанинг доимий хотирасига ёзиб қўйилади. Дарс ўтиш жараёнида керакли мавзу дискетдан ҳар бир ўқувчи қаршисидаги компьютерга юборилади. Ўқувчи дисплейдан янги мавзуни ўқийди, асосий формулаларни ёзиб олади. Агар ўқувчида бирор савол туғилса, ўқитувчидан сўрайди.

Дарс ўтишнинг бундай усули дарс сифатини оширишгина қолмай, ўқувчиларнинг компьютер тўғрисидаги билимларини ва кўникмаларини оширади ҳам. Компьютер ёрдами ўқувчиларга таълим беришда нафақат дарс мавзуларининг матн ва формулалари, балки намойиш этилувчи чизма ва кўргазмаларни ҳам дисплейда кўрсатиш мумкин. Конспектлаштирилган ранг-баранг мавзулар ўқувчиларнинг билим ҳамда кўникмаларини оширишга катта ёрдам беради.

Лаборатория машғулотларида ЭҲМ лардан фойдаланиш дарснинг сифатини ошириш билан биргаликда вақтни тежайди, ўқувчининг компьютер билан ишлаш малакасини оширади.

«Оғирлик кучи тезланишини математик маятник ёрдамида аниқлаш» мавзусидаги лаборатория ишини ўтказиш учун дастур тузиш мумкин. Бу дастур матни билан танишгандан сўнг уни компьютерда ишлатиб кўриб, лаборатория машғулотларини ҳам ЭҲМлар ёрдамида ўтказиш мумкни экан, деган хулосага келамиз.

Дастур бажарилиши жараёнида экранда «?» символи чиқарилади ва фойдаланувчидан тажрибада топилган L нинг биринчи қийматини киритишни кутади. Бу қиймат киритилгандан сўнг яна «?» аломати чиқади. Бунда Т нинг биринчи қиймати сўралади. Шу тарзда L ва Т нинг 5 тадан қийматлари компьютерга киритилади. Компьютер масалаларни ечиб бўлгандан сўнг, дастур ва лаборатория ишининг натижаларини ёзувга чиқариш қурилмаси орқали қоғозга чоп этади.

Компьютер ёрдамида ўқувчилар тест асосида баҳоланганда ўқувчининг ўқитувчига ҳеч қандай эътирози бўлмайди. Тест саволлари олдиндан тузилган бўлиб, бу саволларнинг ҳар бирига 3 тадан ёки 5 тадан жавоблари ҳам берилган. Бу жавобларнинг фақат биттаси тўғри бўлади. Тест дастурининг қандай тузилганлиги ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ.

Айрим тест дастурларида тест саволларига жавоб бериш мобайнида тўғри жавоблар ҳам экранда кўрсатиб борилади. Тест тугагандан кейин компьютер тўғри ва нотўғри жавоблар сонини кўрсатади ва ўқувчини баҳолайди. Ҳозир ўғил-қизларда компьютерларда физика масалаларини ечишга ҳавас ва иштиёқ баланд. Буни биз ўқувчиларнинг дарс ва машғулотларга фаол иштироки орқали аниқлаяпмиз.

Умуман, компьютер ёрдамида ўқувчиларнинг олган билимларини фақат физика дарсларидагина эмас, балки бошқа фанлар бўйича ҳам тест асосида баҳолаш ўқувчиларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёргарлик вазифаларини ўтайди

Мен физика дарсларимда юқорида айтилган кўрсатма ва фикрларга амал қилган ҳолда ўқувчиларга таълим бераман. Чунки биз физика фани ўқитувчилари ўқувчиларга назарий билим бериш, масалалар ечиш ва лаборатория ишларини бажариш жараёнларида ЭҲМ лардан фойдалансак, физика дарсларида юқори самарага эришамиз.

Алишер ЖУМАНАЗАРОВ, Каттақўрғон туманидаги 57-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Bizning musohaba

МИЛЛАТНИ МАЪРИФАТ КЎТАРАДИ

Турсунали ҚУРБОНОВ — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, «Одобнома» дарслигининг бошловчи муаллифи, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп татиган, таълимнинг паст-баландини чуқур билган бу инсон билан қилган суҳбатимиз у кишининг ён дафтарчасидаги битиклардан бошланди. Қайдлар ва рақамлар шу қадар кўп эдики, барчасини ҳаётий далиллар деса бўларди.

Таълим доимий равишда янгиланишга муҳтож соҳа. Фарғона вилояти умумтаълим муассасаларида ҳам ўзгаришлар рўй бераётир. Жаҳон андозасига мумкин қадар яқинлашишимиз керак. Тизимимизга тест-рейтинг усуллари кириб келди. Янги турдаги муассасалар кўпайди. Бугунги кунда улар вилоятларимизда 50 дан зиёд.

Шу ўқув йилининг ўзидаёқ лицей ва гимназияларни тамомлаган 538 ўқувчидан 368 нафари олий ўқув юртларига кирди. Бу вилоят миқёсида кувончли натижадир. Аммо бу натижа бизни қониқтирмайди. У олдимизга қўламли вазифаларни қўяди.

Репетиторлик ва якшанбалик мактабларининг ишини йўлга қўйишимиз даркор.

Дарс бериш услубларимиз ҳам эскирди. Даққиюнусдан қолган дарс бериш услуби ҳали кўпгина мактабларимиз ҳаётига хос бўлиб қолмоқда. «Ўқитувчи артист бўлиши керак» деган нотўғри тушунча ҳали сақланиб қолган. Ҳаёт кўрсатяптики, жаҳон тажрибаларига мурожаат қилсак, ўқитувчи артист эмас, режиссёр бўлиши лозим. Ўқувчи артистдир. Ўқитувчи эса саҳнадан артистнинг бутун фаолиятини, ҳатти-ҳаракатини кузатиб, уни тўғри йўлга солиб қўювчи режиссёр ролини бажарсин. Ахир, биз-нинг эски дарс бериш усулимизда ўқитувчи дарсга тайёрланади, кўргазмали қурол тайёрлайди, қўшимча материал топади, конспект ёзади. Тайёр ҳолга келтириб, синфда жавлон урриб артистлик маҳорати билан болага тушунтиради. Бола эса ҳеч қандай меҳнат қилмай, тайёрга айёр ҳолда пассив бўлиб, дарсни тинглайди. Меҳнати сарфланмаган, жони ачимаган ўқувчи ўқитувчининг меҳнатини қадрлайдими? Йўқ! Ҳамма ўқувчи ҳам ўқитувчи тайёрлаб келган дарсни бир хилда қабул қилолмайди. Тўғри, ҳар қайси синфда 5—6 нафар зеҳнли ўқувчи бўлади, лекин бу ҳамма болага хос эмас-да. Ўқитувчининг ҳар бир дарси янги асар бўлиши керак.

Бизда умумий камчиликлар кўп. Масалан, фан кабинетлари жиҳозланади. Қандай? Ҳужжатларсинг.

Кўп йиллардан бери эскириб кетган илгариги даврдаги «анъана»га содиқ қолганмиз. Хона деворларида бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмай, стендлар тайёрлаб илиб қўйилар, турли жадваллар, маълумотларни кўчириб ёзиб, кабинетлар лиқ тўлдирилар эди. Ҳатто «кабинетни келинчакнинг уйидек қилиб қўйинг», деб кўрсатма беришарди. Келинчакнинг уйини қандай безаш эса ҳаммамизга маълум. Кийса-киймаса, турли либослар осилиб, уй тўлдирилади. Ана шу йўсинда жиҳозланган фан кабинетидаги жимжимадор ёзувлар, стендлар, борингки, барча жиҳозлар шу даражада кўпки, уни тайёрлаган ўқитувчининг ўзи ҳам гарангсиб қолади.

Биз фан кабинетларига муносабатни ўзгартирдик. Алоҳида тажриба майдончалари вужудга келди. Улар намуна учун. Борсин, кўрсин ва бундан ўрнак олиб ўзи ҳам яратсин. Қувасой шаҳрида ишбилармон, тадбиркор Набижон Маҳмудов қуриб берган 14-мактаб (хозирда 2-гимназия)да, Риштондаги 29, 52, Фарғона туманидаги 46, Бағдоддаги 20, Учқўприк туманидаги 20, Қўқон шаҳридаги 29, Узбекистон туманидаги 24, Бешариқдаги 19, Марғилон шаҳридаги «Истиқлол» гимназияси, Фарғона шаҳридаги 1-гимназия-интернатларни шундай масканда десак, ҳаққимиз бор. Замонавий фан кабинетларимиз солда. Масалан, география фани кабинетининг тўрида чоғроққина табиат манзараси, сунъий гуллар кўзга ташланади. Фан кабинетининг деразаларида, тупакда усаётган гуллардан ифор таралиб туради. Синф тахтаси тепасида бирорта алломанинг портрети. Икки ёнида улуғ географларнинг суратлари. Синфхонанинг иккинчи томонида 2-3 та стенд. Булар вақти-вақти билан алмаштириб турилади. Тарих, ўзбек тили ва адабиёти, чет тили кабинетларининг безатилишида ҳам ўзгаришлар қилятмиз. Фан кабинетларини ёппасига жиҳозлаш оммавий ҳаракат тусини олди. Мақсадимиз — замонага мослашиш, ўқувчиларга пухта билим бериш, энг муҳими, уларни қизиқтириш.

Қувада туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаган кезларимиздаги бир воқеа ҳамон ёдимдан кетмайди. Битириш ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини кузатиб юриб, бир мактабла қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлдим. Мактаб директори ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси. Столи устида 6-синфларда ўтказилган ёзма ишлар, текшириб бўлган. Қизиқиб, ёзма ишларни варақлаб кўрдим. Бир ўқувчининг дафтари диққатимни ўзига тортди. Директор унинг ишига «3» баҳо қўйган. Аммо ёзма ишда 43 та имло ва тиниш белгисига хос хато бор. Боланинг ёзуви ҳам жуда хунук.

Мен директордан: «Бунга нега «3» қўйдингиз?», деб сўрадим. У эса: «Шиоримиз «икки»сиз, икки йилликсиз ишлаш бўлса, мен қандай қилиб ёмон баҳо қўяман?» деб ўзини оқламоқчи бўлди.

Қисқаси, бу можаро халқ таълими бўлими кенгашигача чиқди.

Нуқсон сабабини ҳам ўзим топдим. Уша пайтда Андижон вилояти Москва туманидаги 41-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасуловнинг тажрибаси кенг ёйилаётган давр эди. Мен Мамажон ака ўқитаётган 1-синф ўқувчиларининг ёзувларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Синфдаги 33 ўқувчининг хуснихати деярлик бир хил ва чиройли. 1-синф ўқувчиларининг ёзуви шунчалик чиройли бўлса, улар 4-синфда қандай ёзишларини, фикр юритишларини тасаввур қилсангиз керак. Тасанно демай иложингиз борми?

Шундай экан, директор «3» баҳо қўйган бола осмондан тушгани йўқ. Агар у бошланғич синфда етарли билим ва малакани олганда эди, яхши баҳо олмасмиди?

Биз бошланғич таълимга эътиборни кўпроқ қаратяпмиз. Бунинг учун эса аксарият мактабларда бошланғич синфларни биринчи сменага кўчирдик. Замонавий ва кенг бинолар улар ихтиёрига берилди. Техника воситалари билан таъминландик. Бошланғич синф ўқитувчилари дарсларга андижонлик бошланғич таълим устаси, Халқ ўқитувчиси Мамажон Абдурасуловни таклиф қилдик. «Абдурасуловчасига ўқитаман!» деган 25 нафар ўқитувчи топилди. Булар иш тажрибаси дуруст муаллимлар эди. Шулардан 13 нафари ўқув йилини юқори натижа билан якунлади. Улар сабоқ берган синфлардаги 25-30 боланинг 95 фоизи фақат «5» баҳога ўқиди. Абдурасуловчилар кўпайди, биз бундан хурсандмиз, албатта. Қува туманидаги барча бошланғич синф ўқитувчиларини «абдурасуловчилар» деб эълон қилдик.

Фақат «4» ва «5» баҳоларга ўқиётган ўқувчиларга турли мукофотлар берилиб, синфидаги ўқувчиларни яхши ўқита олмаётганлар танқид қилиб борилятти. Ўқув режаси давомида айрим ўқитувчилар ҳар чоракда жамоа олдида танқид эшитишдан орланиб ё синфини ўнглади ёки ишдан воз кечди.

Қаттиқ талаблар яхши натижа берди. Қува туманидаги бошланғич синфларда эришилган бу муваффақиятлар энди Учқўприк, Бағдод, Фарғона туманларида, Қўқон шаҳрида тўла амалга ошди. Ҳозирги кунда бу шаҳар ва туманларда, бошланғич синфларда ўзлаштиришнинг сифат даражаси 85—90 фоизга етиб борди. Бу эса таълим тизимидаги катта бурилиш бўлди. Шу туфайли вилоятимизда юқори синф ўқувчиларининг ҳам билим даражаси ёмон эмас.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, вилоят ҳокимлигининг ғамхўрлиги ва ёрдами билан халқ таълими тизимида ташкил этилган «Устоз» газетаси ва «Устоз» телестудияси бошланғич синфлардаги бой тажрибаларни муаллимлар орасида ташвиқот қилишга, илғор тажрибаларни кўрсатиб бериш орқали таълим соҳасига янгиликларни олиб кириш ишига катта ёрдам бермоқда.

Миллатни маърифат кўтаради. Маърифат эса дунёни кўтаради. Шундай экан, маърифатли инсон — ўқитувчини қўллаб-қувватлаш ва ундан ҳам талаб қилишга бурчлимиз.

Суҳбат матнини ўз мухбиримиз Аваз ҲАЙДАРОВ оққа кўчирди.

Fanimiz fidoyilari

ҲАМОН НАВҚИРОН

Таниқли олим ва журналист, фидойи инсон Анвар Каримов шу кунларда ўзининг 60 ёшини қаршиламоқда.

Олимнинг умр мазмуни Тошкент давлат университети ва Узбекистон давлат радио ва телевидениеси билан боғлиқдир.

1955-1960 йиллар университет толиби, 1960-1968 йилларда Узбекистон телевидениесининг ёшлар редакциясида, 1968 йилдан буён Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, факултетнинг «Халқаро журналистика» бўлими бўйича декан муовини лавозимида ишлаб келмоқда.

А. Каримов Тошкент давлат университетининг журналистика факультетининг телекўрсатув ва радиоэшиттириш кафедраси ўқув режасидаги асосий назарий курслар «Узбекистон радиоси ва телевидениеси тарихи», «Телевизион журналистика асослари», «Радиожурналистика асослари», «Телевизион журналистика назарияси ва амалияти», «Журналистнинг касбий одоб-ахлоқи» фанларидан назарий ва амалий машғулотлар олиб боради. Амалий машғулотлари бевосита радио-тележурналистика амалиёти билан боғлиқ.

А. Каримов 1971 йилда «Узбекистон телевидениесининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг Узбекистонда телевидение», «Инсон зийнати», «Узбекистон телевидениеси» (рус тилида) китоблари босилиб чиққан.

70-80-йилларда «Ўқитувчилар газета»сида таниқли санъат, адабиёт намояндалари билан мусоҳабалар, таниқли олий ўқув юрти ўқитувчилари, мударрислари ҳақида очерклари, турли мавзуларда мақолалар билан, спектакларга, телевизион кўрсатувларга тақризлар ёзиб фаол қатнашган.

Газетанинг масъул котиби, шоир ва журналист, марҳум Султон Акбарий билан ижодий мулоқотда бўлиб унинг ижодий мактабини ўтади. Султон Акбарий устоз сифатида ундан маслаҳат ва кенгашларини дариғ тутмади.

Ижтимоий факультетлар орасида у раҳбарлик қилган телекўрсатувлар ва радио эшиттириш кафедраси Узбекистон телерадио қўмитаси билан биринчи марта ижодий ҳамкорлик ҳақида битим тузган. Мазкур битим кафедра моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёни, таълим-тарбия сифатини оширишда сезиларли самаралар берди.

Доцент А. Каримов кейинги йилларда монографиялар. ўқув қўлланмалар яратиш устида жиддий иш олиб борятти. «Телевизион журналистика» ўқув қўлланмаси, «Мустақил Узбекистон телевидениеси» монографиясини нашрга тайёрлади. «Узбекистон радиоси ва телевидениеси мустақиллик шароитида» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишлар олиб бормоқда.

А. Каримов кафедранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишлари сифатини ошириш, талабалар билимини баҳолашда рейтинг тизимини жорий этиш, ўқув дастурлари тузиш, республика ижодий уюшмалари билан илмий-амалий, илмий-назарий конференциялар ўтказиш, турдош кафедралар билан алоқалар ўрнатиш, илмий тўпламлар чиқаришда ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Унинг ташаббуси билан Узбекистон телевидениесида ташкил этилган «Студентлик — олтин даврим», «Ғазалхон ёшлигим», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркум кўрсатувлари, «Ғунча», «Истиқбол эгалари», «Олим бўлсанг — олам сеники» телевизион журналлари томошабинларга манзур бўлган.

Ҳозирги даврда Узбекистон радиосида ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг халқаро масалалар бўйича шарҳловчиси, «Сиёсий портретга чизгилар», «Ҳар бола — бир дунё», «Жума ўгитлари», «Мабдаи нур», «Маънавият буюк неъмат», «Фан дарғалари» катта туркум радио эшиттиришларининг доимий бошқарувчиси, муаллифидир. «Халқ сўзи», «Ишонч», «Тошкент оқшоми», «Тонг юлдузи» газеталари; «Узбекистон матбуоти», «Саодат», «Гулистон», «Гулхан» журналларида фаол қатнашиб келмоқда.

Биз Анвар Каримовнинг ҳамкасблари жонкуяр, фидойи инсон, муҳтарам олимимизни 60 йиллик муборак ёши ва 40 йиллик илмий фаолияти билан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Бойбута ДЎСТҚОРАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент. Тожихон СОБИТОВА, филология фанлари номзоди, доцент.

Tarixning o'qilmagan sahifalari

Исломжон ТУРСУНОВ,
Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари докторлари.

МУХТОРХОННИНГ МУХТОР ҚИСМАТИ

Мухтор Муҳаммадий калтакнинг зарби, очликнинг ичақузилди қийноқлари негизида устози Ашурали Зоҳирий берган ҳақиқий қўргазмани тасдиқлаб, терговчига 1930 йилнинг 3 мартидаги қўргазмасида шундай жавоб қилган эди: «Ашурали Зоҳирийнинг фикрлари тўғри. «Ботир гапчилар»нинг асосий мақсадларидан бири — Шўрони ағдариш учун ташқаридан «Миллий истиқлол» билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш, бунда Эрон, Афғонистон, Туркия ва Англия билан боғланиб, улар билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритиш лозим эди. Бу давлатларга кадрлар юбориб ўқитиш керак эди. Бу ишда мен ҳам иштирок этиб, Абдулла Каримов ва Зоҳирийларга қўмак берганман. Аммо мақсад амалга ошмади...»

Атоқли педагог ва истеъдодли журналистнинг шахсиятини ўрганиш, истиқлол учун курашдаги фаолиятини таҳлил этиш учун ҳужжатасровларнинг материалларигина етарли далил бўла олмас эди. Чунки, ўша даврларда олиб борилган терговлар ўта раҳмсизлик, куч ишлатиш, қўрқитиш, руҳий таъсир ўтказиш каби ҳайвоний муносабатлар асосидаги «кўпроқ ёлғон» қўргазмаларнинг мажмуасини ташкил этар эди. Бор ҳақиқат айтилмаган эди. Истиқлол туфайли бор ҳақиқат оғизда — оғзаки нутқда, аниқроғи, тарихнинг тирик шоҳидлари, ўша давр ашуласини эшитган, айтган ва кўрган буюкларнинг қўргазмалари, эсдалик ва ёдномалари тарих саҳифаларига ягона ҳужжат бўлиб кирмоқда.

Шу боис, истиқлолчи педагогнинг фаолиятини кенгроқ ва атрофлича ёритиш мақсадида тарихнинг тирик шоҳидларини, Мухтор акани кўрган, билган ва ҳамсуҳбат бўлган, энг муҳими ўша давр тарихини яхши билганларни топамиз ва даврa суҳбати ўтказамиз.

1995 йилнинг 19 ноябри эди. Тошкентнинг Бобур кўчасида жойлашган эски типдаги кўп қаватли уйнинг иккинчи қавати — 58-уйнинг 8-хонасидамиз. Ушбу хонада узбекдан чиққан биринчи математика фани ўқитиш услубиётчиси, Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи ва Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Раҳимжон Отажонов яшайди. Бу улуғ инсон 96 ёшни яшаб қўйган бўлсалар ҳам ҳали тетиклар. Юзларидан ҳамиша нур ёғилиб турувчи, сўзлари дона-дона ва жарангдор, фикрлаш қобилияти ўта пухта...

Бу зот 1937 йилда Фарғонада «миллатчи», «Бухарининг китобини ўқиган»ликда қамалиб, қатағонликнинг аччиқ дардларини уч ярим йил тортиб чиққан ва ўша пайтда Тошкентга қараб адолат қидириб келган инсон эди. Бир сўз билан айтганда, Фарғона миллий маорифчилари вакиллари тарихини яхши биладиган ўткир педагоглардан эди. Ана шу улуғ инсон 1995 йилнинг 8 декабрида 96 ёшларида вафот этдилар, жойлари жаннатдан бўлсин.

Биз ана шу муътабар инсоннинг хонадонида суҳбат қурар эканмиз, суҳбатимиз жараёнида Қўқон педагогика муҳитини аъло биладиган, ўша даврда Фарғона педагогика институтида ўқиган, йирик педагог олим, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, ҳозирда 96 ёшни яшаб қўйган шахсий пенсионер Раҳимжон акани яқин дўсти Абдулла Суюмов иштирок этдилар. Ана шу тарихий учрашувимиз моҳияти жиҳатдан биз тарихчи-педагоглар учун бир олам ҳужжатлар бердики, бу нарса шўро давридаги кўпгина сохта ҳужжатларга тўғри ва аниқликлар киритиб, 20- ва 30-йиллар қатағонликларининг мудҳиш қуринишларига ҳақиқат чизгиларини берди.

Бу икки аллома педагогнинг ўша даврдаги ўзбек миллий педагогикаси ва журналистикаси дарғалари, ҳалол ва пок меҳнатлари эвазига отилиб кетган ёки қатағонлик кундасига рўбарў бўлган беайб инсонлар: Ашурали Зоҳирий, Лутфулла Олимий, Мухторхон Муҳаммадий, Муҳаммаджон Холиқий, Абдулла Раҳматзода, Турғун Парпиев, Ёқуб Омон, Шокир Сулаймон, Отажон Ҳошим, Эркин Носир, Абдулла Каримов, Абдулла Холмат, Муҳитдин Эрмат сингари 22 журналист-педагог ҳақида ҳужжатасровларда битиб қолдирилмаган эсдалик ва хотираларни тўкиб солдилар, биз эса бажонидил ёзиб олдик. Бу нарса биз муаллифлар учун бир умрга эсдалик ва мухтасар тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

Суҳбатимиз давом этади. Биринчи бўлиб ўртага суҳбатдош-муаллиф Исломжон Турсунов савол ташлайди:

— Абдуллажон Суюмович, Сиз кўп йиллар ҳозирги «Халқ таълими» журналининг бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган таниқли журналист, Қўқон педагогика муҳитини яхши биладиган кишилардансиз. Қатағонликка учраб, йўқотиб юборилган кўплаб педагог ва журналистлар ҳақида Шўро даври сиёсатига мослаб баъзи мақолаларни журналингизда эълон қилгансиз. Жумладан Ҳамид Сулаймон, Ашурали Зоҳирий кабилар ҳақида. Бу нарсанинг ўзи ҳам ҳайрли иш эди. Ана шундай улуғ инсонлардан бири Мухторхон Муҳаммадий ҳақида нималарни биласиз?

Орага жимлик чўкди. Суҳбатдошлар ўйга толдилар. Абдулла ака саволга жавоб қилиш учун оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Раҳимжон ота жавоб қилдилар:

— Ука, бу саволга мен жавоб қилай, чунки Мухторхон домла билан мен ўн йилдан ортиқ ишлаганман. Қолаверса, унинг ўша Николай даврида — инқилобдан олдин ўқиб юрган ва муаллимлик қилгандаги фаолиятини, бола-чақасини яхши биламан. Абдуллажон қўшимча қила қолсин, майлигами?

— Марҳамат, бажонидил.

Раҳимжон ота ўз одатига кўра юзларида табассум билан ўтмишни эслар, Мухторхон Муҳаммадийнинг фазилатларини кўз олдига келтирар экан, энди бироз жиддийлашди, тўсатдан «уф» тортиб юборди-да, андек дақиқа ўтгач, саволга жавоб беришга ўтди:

— Мухторхон билан мен 1915 йилда Қўқонда танишганман. У урис-тузем мактабида дарс бериб юрган пайтлар эди. Шунда мен 13 яшар бола эдим. Эски мактабда ўқирдим. Бу инсон мадраса таълимини олган, адабиётни, айниқса она тилини, урис тилини яхши биладиган, ҳадис ва қурьонни пухта эгаллаган инсон эди. Унинг дўстлари Ёқуб Омон, Абдулла Раҳмат, Лутфулла Олим, Абдулла Карим деган журналист ва педагоглар, аниқроғи эскича билим пешволари эди. Булар Қўқонда энг саводли, маърифатли инсонлардан саналади. Булар ўзлари мактаб очишиб, халқ болаларига текин дарс беришарди. Айниқса, Ибодий, Муҳаммаджон Холиқий, Ашурали Зоҳирий таълимини олган, Ҳамза Ҳакимзодадан ўрнак олган маорифчилар ҳисобланардилар.

Гапнинг тўғрисини айтадиган бўлсам, халқнинг озодлик ҳаракати Қўқонда ўша биз ўқиб юрган онларда — 1915 йиллардаёқ бошланган эди. «Искобль» зулми одамларнинг тинкасини қуритган, солиқ олиш авжга чиққан эди. Бунга қарши курашиш учун домлаларимиз, айниқса Булат Соли, Ашурали Зоҳирий, Ҳамза кабилар исёнкорлик билан халқ орасида норозилик кайфиятларини тўғдира боришганини аниқ биламан. Золимларга қарши курашувчи яширин ташкилотлар ўша даврлардан бошланган эди. Мухторхон домла ҳам тинч турмаганди. У 18-йилда Абдулла Карим, Абдулла Раҳматлар билан «дашнақ»ларга қарши қишлоқларда ячейкалар тузишган эди. Учқўприкнинг ўзида бундай ячейканинг 21 аъзоси бор эди. Дашнақлар Қўқон ва унинг атроф қишлоқларидаги бегуноҳ деҳқонларни ҳам, уларнинг бешикда ётган болаларини ҳам «баранлар», «қоралар», «руҳонийлар», «миллатчилар», «маданиятсизлар» деган ифлос сўзлар билан КГБнинг топшириғи, Москванинг буйруғи деб отиб ёки сўйиб, дарралар билан уриб, ўлдириб юришганини кўзим билан кўрганман. Бундай паллада «1918 йилнинг октябрида Учқуприкда тузилган — Муҳитдин Эрматов тузган «Исъён» аксилинқилобий гуруҳ аъзолари яширин фаолият кўрсатишиб, дашнақлардан пайт пойлаб қўпларини тўқмоқ ва болта билан уриб, чопиб, ҳатто отиб ўлдирилганлигини аниқ биламан. Қўқонда ёш болаларни ўйнаб юрган жойида уч дашнақ келиб уларга найза санчиб ўлдирганини мен ҳам кўрганман. Шунда Мухторхон, мен ва Абдулла Каримлар бор эдик. Қизил аскарларнинг иккита командири ҳам бор эди. Шунда бу мудҳишликка чидай олмаган Абдулла ака ёнидаги пистолетини олиб дашнақлардан иккитасини отиб ташлагани ҳалиҳали эсимдан чиқмайди. Шунда дашнақларнинг болаларга нисбатан қилган бундай ноҳақликларини кўрган қизил командирлар ҳам индашмаган эди. Мен ана шундай воқеаларга шоҳид бўлганман.

Кейинчалик, 20-йилларнинг бошларидан Шўроларга қарши ҳам турли хил аксилинқилобий гуруҳлар яширин тузила бошлади. Чунки шўролар большевиклар бошчилигида халққа оқ пошшога нисбатан ҳам оғир кулфатлар сола бошлади: беаёв солиқлар солиш, камситиш, бойликларимиздан маҳрум қилиш, қийин ишларда ишлатиш каби адолатсизликларни авж олдира бердилар. Ана шундай адолатсизликка қарши курашганлар «миллатчи», «Шўроларга қарши» номларида айбландилар. Шунинг учун ҳам доноларимиз, халқимиз ҳам тинч турмадилар: улар турли хил номда аксилинқилобий ташкилот ва гуруҳлар тузишиб, босқинчилар — босмачиларга қарши курашни зимдан олиб бордилар.

(Давоми бор).

(Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

Xorijda ta'lim

РУМИНИЯ МАОРИФИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Яқинда умумжаҳон банки Руминиянинг қишлоқ ҳудудида жойлашган 900 га яқин мактабларини таъмирлаш учун 70 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида қарор қилди.

Маълумки, Руминия ҳукумати 1990 йилдан бошлаб мактабгача, бошланғич ва ўрта таълим жараёнида кенг ислоҳотлар ўтказиб келмоқда. Кейинги йилларда мамлакатнинг замонавий ўқув режаларига, сифатли дарслик ва қўлланмаларга эга бўлиб бораётганлиги ана шунинг маҳсулидир. Айни пайтда эса таълим мактабларининг моддий базасини тиклаш, уларни қайта таъмирлаш масаласи мамлакат ҳукуматининг бошини қотирмоқда. Руминиянинг Умумжаҳон банки ёрдамида ишлаб чиққан янги лойиҳаси айнан авария ҳолатидаги мактабларда ўқиётган 200 мингга яқин ўқувчини таҳдид солаётган хавфдан халос этишга мўлжалланган. Бу 200 мингга яқин ўқувчининг 80 фоизи эса қишлоқ мактабларида таҳсил олишади.

Лойиҳа асосан 2 та йўналишда амалга оширилади: Яроқсиз ҳолга келган мактабларни таъмирлаш. Бунда Руминиянинг 41 та қишлоқ туманларидаги 900 та болалар боғчалари, бошланғич ва ўрта мактаб биноларини таъмирлаш, жиҳозлаш кўзда тутилган.

Давлат мактабларининг моддий базасини яхшилаш. Бу таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари ишидаги маҳсулдорликни оширишга қаратилган.

Молиявий жиҳатига келсак, мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 130 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Умумжаҳон банкининг кредитга ажратадиган лойиҳа харажатларининг 66 фоизини қоплайди. Маблағнинг қолган 13,8 миллион долларини Европа кенгаши ҳузуридаги ижтимоий тараққиёт банки таъминласа, 46,2 миллион доллари Руминия ҳукумати томонидан таъминланади.

Умумжаҳон банки кредитга белгиланган андозаларидаги устама фоизни қўйиб, уни 20 йил муддатга узайтирган. Агарда Руминиянинг 1972 йилда умумжаҳон банкига аъзо бўлганлигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозиргача мамлакат 51 та лойиҳани амалга ошириш учун банкдан 4,8 миллиард доллар кредит олганлигини кўрамиз.

Энди Руминиянинг маориф тизимидаги ислоҳотлари борасида ҳам бироз тўхталсак. 1990 йилда бошланган маориф соҳасини ислоҳ этиш, хусусий секторларнинг қарор топишига олиб келди. 1993 йилда ҳукуматнинг маориф ислоҳотлари дастурини қамраб олган расмий маърузаси эълон қилинди. 1994 йилда Руминия умумжаҳон банки ёрдамида университетгача бўлган маориф тизимларида ислоҳотларни амалга оширишга киришди. 1995 йилда эса ислоҳотлар стратегияси негизида маориф ҳақида қонун эълон қилинди. 1996 йил сентябрда Умумжаҳон банки Руминиянинг олий таълим тизимида ўтказадиган ислоҳотлари учун 50 миллион доллар кредит ажратди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги пайтда ҳукумат маориф соҳасини шакллантиришга кенг эътибор бермоқда. Чунончи, бюджетдан бу соҳа учун ажратиладиган маблағ йиллик ялпи даромаднинг 4 фоизигача кўтарилгани қувонарли ҳолдир.

Матбуот материаллари асосида Алижон САФАРОВ тайёрлади.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Афғонистон шимолидаги толиблар Хайратондаги ўз мавқеларини мустаҳкамламоқдалар. Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича, жанглар ниҳоя топган ва Хайратон тўлиқ толиблар қўлига ўтган кўринади. Хайратон Марказий Осиё ва Афғонистон чегарасида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон ҳукуматининг билдиришича, бир неча ракета Ўзбекистон томонига тушиб портлаган.

•

Қоҳира марказида сайёҳлар автобусига уюштирилган ҳужум натижасида тўққиз нафар киши ҳалок бўлиб, кўпчилик жароҳатланган. Олмония ташқи ишлар вазирлигининг билдиришича, ҳалок бўлганларнинг аксарияти Олмония фуқароси бўлган, деб Миср мулозимлари хабар берганлар. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, автобусда ёнғин пайдо бўлиб, сўнг портлаган. Бу автомат отишмаси остида рўй берган. Қоҳира ҳокимининг айтишича, икки ҳужум уюштирувчи қўлга тушиб, биттаси қочишга муваффақ бўлган. Мазкур ҳужум шаҳарнинг энг гавжум қисми Миллий музей атрофида содир этилган. Ҳозирги вақтда бу жой полициянинг махсус кучлари билан ўраб олинган.

•

Чеченистонда икки эркак киши омма олдида ошкора қатл қилинган. Бу каби қатл қилиш ҳам шу ойда иккинчи марта содир этилмоқда. Чеченистондаги Грозний хиёбонларининг бирида икки қотил минглаб одамлар кўз ўнгида отиб ўлдирилган. Қотиллар бир аёл ва унинг икки фарзандини ўлдиришда айбдор деб топилганлар. Чечен мулозимининг айтишича, бу қатл қилиш ҳам охирги марта омма олдида бажо келтирилгандир.

•

Қуддуснинг шарқий қисмида икки араб уй-жойини эгаллаб олган яҳудий келгиндилари билан боғлиқ ишлар борасида икки томон муросага келишди.

•

Бугун Тайвандда тамаки чекиш ва уни тарғибот этишни чеклайдиган янги қатъий чораларни ўз ичига олган қонун ишга тушди. Янги қонунга биноан қарийб барча жамоат жойларида чекиш ман этилиб, балоғатга етмаганларга сигарет сотилмайди ҳамда тамаки маҳсулотларини тарғиб фақат журналларда рухсат этилади.

«Би-би-си».

ИЛМЛИНИНГ ЮЗИ ҲАМИША ЁРУҒ

Ўн бир йил таълим-тарбия берган муаллимлари, қадрдон мактаби билан дийдор кўришиш ва дилдан суҳбатлашиш нақадар гаштли. Ана шундай бахтга Сирғали туманидаги 104-мактаб битирувчилари эришди, десак муболаға бўлмайди. Мактаб «Умид» театр гуруҳининг фаол актёрлари, эндиликда Маннон Уйғур номидаги Санъат институти талабалари Ш.Нуралиев, Ҳакимова, С.Машариповлар очиқ юз билан жонажон мактабига ташриф буюришди. Отадек дилкаш, онадек меҳрибон устозлари билан суҳбатлашишди, уларга миннатдорчилик билдиришди ва ўзлари ўтирган парталарига яна бир бор ўтиришиб, ўқувчилик даврларини қувонч билан эсладилар.

Учрашув шуниси билан ҳам эътиборли бўлдики, унда Санъат институти ректори М.Қодиров, проректор Ҳ.Икромов ва декан М.Исроиловлар қатнашишди. Ректор М.Қодиров жумладан шундай деди: «Бир синфда ўқиган 3 нафар ўқувчининг бирданига институтимизга кириб ўқиши кутилмаган ва қувончли ҳолдир. Бунинг сабаби мактабдаги муайян йўналишнинг мавжудлигида ва устоз-шогирдларнинг иштиёқ билан шуғулланишларида деб биламан». Эндиликда мактабда институт билан шартнома асосида лицей синфлари иш бошлайди.

А.ОРИПОВ.

ЧАЁН ЗАҲРИ — ШИФО

Олимлар саратон касалига шифо бўлувчи «Эскозул» дорисини фақат Кубада учровчи кўк чаён заҳридан тайёрлагач, уни рак билан касалланган сичқон ва итларда синаб кўрдилар. Уларнинг 85 фоизи бу дарддан даволаниб кетди. 2000 дан ошиқ кишининг аҳволи ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Олимлар фикрича, ушбу дори ҳужайрадаги ракнинг ўсишини жиловлаб қўймоқда. Америкалик тадқиқотчилар кубаликларга чаённи ўрганишда ўз ёрдамларини таклиф этдилар.

ЧАНГ ЮҚМАС ОЙНА

Токио университетининг профессори А.Фужишима ихтиро қилган ойна юпқа титан икки оксиди билан қопланган бўлиб, қуёш нури таъсирида ундаги ёғ ва сув томчилари «ўтириб» қолмай, пастга оқиб кетаверади. Ёғ ва сув томчисига юқувчи одатлаги чанг ҳам шу йўл билан ўз-ўзидан ювилиб кетади. Ойнанинг қимматлигини айтмаганда, у Токио биноларида синовга чидаб берди. Олим ихтироси чанг юқмас мебеллар, кир бўлмайдиган кийимлар ҳақидаги башоратларни тасдиқлади.



ҲОСИЛДОРЛИК ҲАРОРАТДАН

Кўмир, нефть-газнинг кўплаб ёқилиши Ер шари ўртача ҳароратининг ошишига ва бир қатор салбий ўзгаришларга олиб келди. Лекин Мельбурн университети химиги Н.Николлс изланишларига кўра, Австралияда сўнгги 40 йил ичида буғдой ҳосилининг гектаридан 50 центнерга етишига сабаб бўлган омилларнинг 50 фоизи сифатли навларнинг яратилиши, агротехника ютуқлари билан, яна 50 фоизи эса атмосфера ҳароратининг кўтарилиши ва Қуёш иссиқлигига боғлиқ бўлиб чиқди. Шу давр ичида Австралияда ҳарорат ярим градусга ошган, холос.

НЕАНДЕРТАЛЬ АЖДОДИМИЗМИ?

Бир гуруҳ америкалик ва немис олимлари биринчи бор 1856 йили Неандер водийсидан топилган ва Бони шаҳрида сақланаётган неандерталь одамдан олинган ДНК таркибини текшириб чиқиб, неандерталлар бугунги одамзод аждоди бўлган эмас, деган хулосага келди. Натижа шов-шувга сабаб бўлди. Олим К.Стрингер одам аждодлари бундан 200 минг йил олдин неандерталларни сиқиб чиқара бошлаган, деган фикрда. Неандерталь одам 30 минг йил аввал қирилиб кетган. Бу борада ўзгача қарашлар ҳам бор.

Sport maydonchasi

МЕЗБОН БАРИБИР МЕЗБОН-ДА

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги XXV тур учрашувларини ўтказишди. Армиячилар ўз майдонида Самарқанднинг «Афросиёб» футболчиларини қабул қилишди. Учрашувда мезбонлар 6:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. XXV турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф»—«Дўстлик» — 1:2, «Бухоро»—«Сўғдиёна» — 0:0, «Нефтчи»—»Сурхон» — 2:0, «Андижон»—«Трактор» — 2:1. Навбатдаги XXVI тур учрашувлари 22 сентябрь куни бўлиб ўтади.

ЮГУРГАНИГА ЭМАС, БУЮРГАНИГА

Аёллар ўртасида соврин миқдори 926 минг 250 долларни ташкил этган WTA TOUA халқаро турнирининг супер финали ўтказилмади. Бунга жаҳоннинг биринчи ракетка соҳибаси Штеффи Графнинг жароҳати туфайли кортга чиқмаганлиги сабаб бўлди. Натижада швейцариялик ёш теннисчи Мартина Хингис ғолиб деб эълон қилинди. Бу унинг халқаро турнирлардаги бешинчи ҳамда мавсумдаги учинчи катта ғалабасидир.

ФУТБОЛЧИГА ЯРАШМАГАН ҚИЛИҚ

Яқинда Англия футбол ассоциацияси «Челси» жамоасининг машҳур ўйинчиси Фрэнк Синклейрни «муносиб» жазолади. У Френк «Ковентри» билан кечган беллашувларда рақиблар дарвозасига тўп киритиб, қувонганидан... иштонини ечиб юборганди... Майдонда мухлисларига кўрсатган бу ҳурматсизлиги учун футболчи катта миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

КЕЛИНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шу йилнинг 30 сентябрь — 5 октябрь кунларида пойтахтимиз Тошкентда шаҳар хотин-қизларининг 1 спартакиадаси ўтказилади. Унда асосан спортнинг 8 тури бўйича баҳслар ўтказилиши кўзда тутилган. Беллашувларда 18 ёшдан юқори бўлган хотин-қизлар қатнашишади. Айни пайтда пойтахтнинг барча туманларида саралаш баҳслари бўлиб ўтмоқда.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Алматида II Марказий Осиё ўйинлари қизғин давом этмоқда. Бокс бўйича Ўзбекистон терма командасининг 12 аъзоси ўн иккита медални қўлга киритди. Дилшод Йўлдошев, Тўлқин Турғунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Дилшод Ёрбеков, Сергей Михайлов, Руслан Шагаев каби боксчиларимиз бу ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон терма командаси бокс бўйича 1-ўринни эгаллади.

«ЧОРБОГ» Халқаро Таълим Маркази

АҚШ ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР БЮРОСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИ, ТАЛАБА ВА МУТАХАССИСЛАРГА АУДИОКАССЕТАЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Аудиокассета (*) ва қўлланмалар	Нархи сўм
1. World English (нашр. 1—2, 3—4, 5—6)	
a. Student Book	
b. Workbook	
c. Teacher's Book	
d. Аудиокассеталар	
Жами:	
Талабалар ва ўқувчилар учун (a+b+d)	9600
Ўқитувчилар учун (a+b+c+d)	12000
2. Easy does it 3. Experiencing English*)	790
4. Right Reading 5. The Way it is*)	770
6. The Lighter Side of TEFL*)	700
7. Seven of Note*) 8. Twelve famous Americans*)	920
9. Varieties of American English*)	520
10. Economic Consideration	700

Бизнинг адрес: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли к. 167 а, Тел.: 65-41-45 65-71-59, Факс: 67-69-98

II Markaziy Osiyo o'yinlari

ВАКИЛЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ

Қозоғистон Республикаси пойтахти Алмати шаҳрида ўтказилаётган II Марказий Осиё ўйинларида спортнинг 14 тури бўйича мусобақаларда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси спортчилари орасида «Меҳнат резервлари» кунгилли спорт жамияти Марказий кенгаши номидан қатнашаётган чарм қўлқоп усталари ва полвонларимиз мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишди. Жумладан, боксчилардан андижонлик Тўлқин Турғунов ва Руслан Шагаев ўз вазн тоифалари бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпионлари бўлишди. Жиззахлик Лазиз Зокиров ва Андижон шаҳри вакили Уткир Ҳайдаров кумуш медални қўлга киритишди.

Дзюдо кураши бўйича «Меҳнат резервлари» номидан гиламга чиққан чирчиқлик Андрей Штурбабин барча рақибларидан устун келиб, олтин медаль соҳиби бўлди.

Sport

КЕКСА СПОРТЧИ — ХАЛҚАРО МУСОБАҚА СОВРИНДОРИ

Анғрен шаҳридаги 14-касб-ҳунар мактабининг жисмоний тарбия раҳбари Вагиз Абдуллин Москва шаҳрининг 850 йиллиги шарафига ўтказилган халқаро марофон супер кубогида совриндор бўлганлиги ҳақида Тошкент вилоятига хушхабар келди.

— Вагиз Собировични қўпдан биламан, — дейди «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Тошкент вилоят кенгаши раис муовини Ҳусниддин Мирзаев. — Уни ҳар куни субҳи саҳарлаб кончилар шаҳри кўчасида югуриб кетаётганини кўриш мумкин. Олтмиш ёшдан ошган отахон қариликни бўйнига олгиси келмайди...

Бутун умрини жисмоний тарбия ва соғлом авлодни камол топтиришга бағишлаган спорт устаси марафон югуриш бўйича Узбекистоннинг узлуксиз чемпиони халқаро беллашувда ҳам ўз маҳоратини курсатди. У Узбекистондан ягона вакил сифатида республика шарафини ёқлаш учун астойдил ҳаракат қилди. Уч босқичдан иборат беллашувнинг 28 июнда ўтказилган биринчи босқичида 21 километру 97 метр масофани учинчи бўлиб босиб ўтди. 9 августда 15 километрлик масофада ҳам учинчи ўринни эгаллади. Ниҳоят, 7 сентябрь куни 6 километру 975 метрлик масофани босиб ўтишда иккинчи ўрин соҳиби бўлди ва уч босқич якунларига кўра 60—64 ёшлилар беллашувида совринли учинчи ўринни эгаллаганлиги ҳақидаги диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Минглан ортиқ киши қатнашган Халқаро марофон супер кубоги қатнашчиси Вагиз Абдуллинга дил сўзимиз бор: ёшлик ғайратингиз сунмасин, ҳамиша омад ёр бўлсин!

Ғафур МАННОПОВ.

ШАРҚ ЛАТИФАЛАРИ

Кунларнинг бирида Мулла Насриддин минорада азон айтиш билан машғул эди. Тўсатдан минора пастига тушиб, югура бошлади. Одамлар ундан сўради: «Мулла Насриддин нега югуряпсан?» У жавоб қайтарди: «Овозим қаергача етиб боришию қанча масофадан эшитилишини билмоқчиман».

***

Кунларнинг бирида бир киши тегирмонга кирди ва бошқалар буғдойидан олиб ўз тўрвасига тўкди. Айтдилар: «Нимага бундай қилдинг?» У деди: «Сабаби шуки мен телбаман». Одамлар деди: «Агар девона бўлсанг, нега ўз буғдойингдан олиб бошқалар тўрвасига тўкмайсан?» Деди: «У вақтда икки марта телба бўламан».

***

Бир кузатувчан киши ёши олтмишлардан ошган қарға сотиб олди ва қафасга солиб, уйига олиб келди. Хотини ундан сўради: «Бу қарғанинг фойдаси нима?» Деди: «Қарға икки юз йил умр кўради, деб эшитган эдим. Бу қарғани ўзим кузатмоқчиман, ўзим синайман ва ҳақиқатан ҳам бу гап рост ёки ёлғонлигини кўрмоқчиман».

***

Мулла Насриддин сартарошхонага келиб соч олдирди, лекин пулини бермади. Сартарош унинг бўйнидан олиб деди: «То сочинг чиққунича бу ерда қоласан». Насриддин деди: «Агар эртаю кеч овқатимни берсанг ҳам ёмон бўлмасди».

***

Мулла Насриддиннинг эшагини ўғирлашди. Қўшнилари уни кўргани келишди ва бири деди: «Айб сенда, молхона эшигини очиқ қолдиргансан». Иккинчиси деди: «Айб сенинг хотинингда, ҳовли эшигини очиқ қолдирган». Мулла Насриддин деди: «Ҳамма айб мен ва хотиним томонда, бу ўртада ўғрида ҳеч айб йўқ».

***

Судхўр мижозига қарз берганидан уч йил ўтгач, ёзди: «Мен пулнинг ярмини сизга бағишладим, ҳозир ҳеч бўлмаса ярмини менга жўнатсангиз». Қарздор бунга жавоб хати ёзди: «Ташаккур ман, истайманки яна уч йил сабр қиласиз, токи шунда иккинчи ярми бағишловига ҳам вақт етади».

Форсчадан Норали АСЛОН ўгирган.

Hunar — zar

ҲАЙРАТ ҲОСИЛАСИ

Меҳнатни халқимиз энг маъқул тарбиячи, дея таърифлайди. Нега деганда фойдали бир юмуш билан банд бўлган инсон нафақат ўзининг, балки жамиятнинг ҳам корига ярайди. Демак, болада ёшлигиданоқ бу каби кўникмаларни пайдо этиш, меҳнат қилишга, яратишга унинг ўзида ички истак-хоҳишини уйғота олиш тарбиянинг самарали воситаларидан бири эканлиги ҳақиқат.

Нуробод туманидаги ёшлар техник ижодкорлиги маркази жамоаси ҳам кўп йиллардан буён айнан юқорида таъкидланган вазифани уддалаб келмоқда.

— **Шу кунларда туманимиздаги барча мактабларда турли тўгараклар ишлаб турибди,** — деди марказ директори Хидир Жиянов.

Ўқувчиларимизнинг яратган ижодкорлик ишлари вилоят, республика кўрик-танловларида фахрли ўринларга муносиб топилмоқда. Ўсмирларнинг республика кино-фото фестивалида II ўринга, электротехника тўгараги ўқувчилари тайёрлаган экспонат Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида II ўринга сазовор бўлди. Тўгараклар раҳбарларидан С. Хушмардонов, Р. Жумаев, М. Тўраев, Ў. Раҳимов ва О. Ғаффоровнинг бу ютуқларда ҳиссаси катта.

Албатта, сўнгги пайтларда таълим-тарбия бериш жараёнида ўқувчига бирор-бир касб-ҳунар тушунчаларини ҳам бериб боришга алоҳида урғу берилмоқда. Юксак, беғубор ниятли болаларнинг илк интилишларига қанот бўлиш, улар парвозининг янада баландлашига далда бўлиш катталарнинг кўнгил иши, қолаверса бурчига айланиши лозим.

МУХБИРИМИЗ.

СУРАТДА: марказ ҳаётидан лавҳа.

Суратни суратка шлик тўгараги раҳбари Саловат ХУШМАРДОНОВ олган.

Ko'ngil bitiklari

МУАЛЛИММАН

Муаллимман оқар сойман,
Чанқоқ дилга сўлим жойман.
Илму ҳунар ўргатувчи,
Камтар, дилкаш Ҳотамтойман.

Муаллимман оқар сойман,
Шогирдлар-ла бардам, шайман.
Шогирдларим, менинг дунём —
Кўнглим тўқу дили бойман.

ОРЗУЛАРИМ

Орзуларим, мисоли ғунча,
Очилишинг қийиндир бунча.
Тонг елидан қизғаниб сени,
Айт-чи, жоним, кутайин қанча?

Орзуларим, осмонда ойсан,
Эҳтиросли, сеҳрли ёйсан.
Боққанингда кетаман қалқиб,
Малоҳатга бунчалик бойсан.

Орзуларим, армонларимсан,
Дардларимга дармонларимсан.
Эзгуликка ундовчи мудом,
Олий ҳакам фармонларимсан.

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ, Нурота тумани.

Xullas

ХЕМИНГУЭЙНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Американинг Калифорния штатида машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэй хотирасига бағишланган адабий кеча ўтказиш одат тусига кирган. Аммо бу йилги анъанавий «хемингуэйхонлик» андак шов-шувга, тўғрироғи жанжалга сабаб бўлди.

Адабий кеча қоидасига кўра афт-ангори машҳур ёзувчиникига ўхшаб кетадиган киши саҳнага чиқиб ўтириши керак эди. Бу йилги тантанага адабий кеча ташкилотчилари дайдинамо бир балиқчини топиб келишди. Бу ҳолдан буюк ёзувчининг ўғиллари, қариндошлари қаттиқ норози бўлишди. «Отамизни ҳақорат қилаяпсизлар» дейишди улар ғазабланиб. Хуллас, жанжал бошланди. Бу ҳолдан «хемингуэйхонлик» ташкилотчилари жиддий ташвишланиб қолдилар. Охири улар, буюк ёзувчининг катта ўғлини четга чақириб, адабий кечадан келадиган мўмай даромаднинг 20 фоизини қуртдек санаб беришга ваъдалашди. Ана шундан сўнг ор-номус талашчилари енгил тин олиб, жанжални тўхтатишди. Айтишларича, ўша 20 фоизгина ҳам 30 миллион доллар атрофидаги пул бўлар экан!

ҚАСОС ОЛИШГА ШОШИЛМАНГ

Екатеринбурглик Мая Зотова деган аёл суд залида жабрланувчи сифатида қатнашарди. Кутилмаганда у тўрхалтасидан бир шиша кислота олиб судланаётган йигитнинг бошидан қуйиб юборди. Чунки у Мая Зотованинг ўғли Сашани ўлдирганди. Ўғлининг ўлимига чидаёлмаган отаси, Мая Зотованинг эри Николай Зотов ўзини-ўзи осиб қўйганди. Ҳам ўғлидан, ҳам эридан ажралган бу аёл алам ўтида қоврилиб, қотилдан шундай йўл билан қасос олишга бел боғлаганди. Аммо оқибат... қаттиқ куйиб қолган судланувчи дарҳол касалхонага ётқизилди. Қасоскор аёлнинг устидан эса жиноий иш қўзғатилди.

ҚОЙИЛ, БОРЧЕЙ БОБО!

Тозалик соғликнинг, узоқ умрнинг гарови эканлигини бутун олам афкор оммаси бир овоздан маъқуллайди. Аммо чархпалак дунё ҳазилини қаранг, Монголиянинг узоқ овулларидан бирида яшайдиган, умрида баданига қатра сув тегизмаган Борчей бобо ҳам 130 ёшни уриб қўйибди! Борчей бобо ҳам овулдошлари қатори ўз маҳаллий динига эътиқод қўйган. Бу дин таълимоти бўйича сувда чўмилиш қатъиян тақиқланади.

ana shunaqa gaplar

Халқ таълими вазирлиги ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази жамоаси Сурхондарё вилояти Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази директори Йўлдош Эрназаровга волидаси Улдона ХОЛБОЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси маданиятшунослик тарихи назарияси кафедрасининг мудири доцент Э.Гулметовга укаси Бахтиёр ГУЛМЕТОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0596. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6